

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ
06.02.2019 й.
N 92**

Хужжатнинг рус тилидаги
матнига қаранг

**ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ВА КИЧИК САНОАТ
ЗОНАЛАРИНИНГ РАҲБАР ХОДИМЛАРИ ВА
МУТАХАССИСЛАРИ МЕҲНАТИГА ҲАҚ ТЎЛАШ
РАЗРЯДЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари дирекциялари ходимларини рағбатлантириш ва юқори самарали меҳнатга интилишни кучайтириш ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона шартларини белгилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Қуйидагилар:

эркин иқтисодий зоналар дирекциялари раҳбар ходимлари ва мутахассислари меҳнатига ҳақ тўлашнинг Ягона тариф сеткаси бўйича разрядлари 1-иловага* мувофиқ;
кичик саноат зоналари дирекциялари раҳбар ходимлари ва мутахассислари меҳнатига ҳақ тўлашнинг Ягона тариф сеткаси бўйича разрядлари 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, эркин иқтисодий ва кичик саноат зонарининг раҳбар ходимлари ва мутахассисларига:

Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат хизматчиларининг лавозим маошларига йигирма фоизли устама ҳақ белгилаш тўғрисида" 1997 йил 3 июлдаги 339-сон қарори билан белгиланган лавозим маошларига 20 фоизли устама ҳақ;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ҳамда республиканинг бюджет муассасалари ва ташкилотларида иш ҳақи микдорларини ошириш тўғрисида" 1995 йил 16 августдаги ПФ-1213-сон Фармонига мувофиқ бюджет муассасалари ва ташкилотлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 15 фоизи микдорида моддий рағбатлантириш маҳсус фонди;

Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд органлари ва нотариал идоралар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тариф сеткасини жорий этиш тўғрисида" 1996 йил 12 апрелдаги 147-сон қарорига асосан ўз вазифаларини вижданан, шунингдек, алоҳида муҳим ва масъулиятли ишларни бажараётган ходимларни меҳнатга ҳақ тўлашнинг икки ойлик фонди микдорида мукофотлаш ҳамда йилда бир марта меҳнатга ҳақ тўлашнинг ойлик фонди микдорида моддий ёрдам бериш татбиқ этилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари дирекцияларининг техник ва ёрдамчи ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш разрядларини тасдиқласин.

4. Белгилансинки, мазкур қарорнинг амал қилиши қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилган бошқа зоналар раҳбар ходимлари ва мутахассислари учун тавсиявий тусга эга.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 14 мартағи 162-ф-сон фармойиши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари - молия вазири Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.М. Фаниев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири

А. Арипов

**) Иловалар рус тилидаги матнда берилган.*

Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz),
2019 йил 6 февраль

